

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 657.5:658(575.11)

ЮНУСОВА НАРГИЗА УЛУҒБЕКОВНА

**ХУДУДГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ
МАҚСАДИДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИКНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

5A230102 – “Иқтисодиёт” (тармоқлар ва соҳалар мутахассислиги)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: доц. Д. Рузиева

ТОШКЕНТ - 2020 ЙИЛ

Мазкур магистрлик диссертация ишида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида республикамиз ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб этиш, айниқса ҳудудларнинг мавжуд салоҳияти, меҳнат ресурслари ва минерал хомашё базасини инобатга олган ҳолда хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш орқали янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобига иш ўринларини яратиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган:

“_____” - сонли баённома 2020 йил “_____” _____

Илмий раҳбар: доц. Д. Рузиева



ИМЗО

сана

Магистр:

Н.У. Юнусова

ИМЗО

сана

“Ҳимояга тавсия этилади”
“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси
муdiri доц. И. Хотамов _____
2020 йил “_____” _____

Ҳимоя 2020 йил “_____” _____ соат _____ да

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	4
I БОБ. Ҳудудларга хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида инвестицион жозибadorликни оширишнинг назарий - иқтисодий асослари	10
1.1. Ҳудудлар иқтисодий салоҳияти ва хорижий инвестициялар жалб этишда инвестицион жозибadorликни таъминлашнинг илмий - назарий асослари.....	10
1.2. Ҳудудлар иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ва мақсадлари.....	15
1.3. Хорижий инвестицияларни жалб этишда инвестицион жозибadorликни ошириш омиллари.....	21
1-боб бўйича хулоса.....	33
II БОБ. Ҳудудларга хорижий инвесторларни жалб қилишда инвестицион жозибadorлик таҳлили (Андижон вилояти мисолида).....	35
2.1. Ҳудудлар иқтисодиётига хорижий инвесторлар жалб қилиш бўйича давлат сиёсатининг таҳлили.....	35
2.2. Хорижий инвестицияларни жалб қилиниши ва инвестицион жозибadorликнинг ҳудудлараро таҳлили	47
2.3. Ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмлари таҳлили	53
2-боб бўйича хулоса.....	62
III БОБ. Ҳудудларга хорижий инвесторларни фаол жалб этилишини таъминлаш мақсадида инвестицион жозибadorликни оширишнинг асосий йўллари	65
3.1. Ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда илғор хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш йўналишлари	65
3.2. Хорижий инвесторларни жалб қилишда инвестицион жозибadorликни ошириш истиқболлари.....	81
3-боб бўйича хулоса.....	96
Хулоса ва таклифлар.....	98
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	102

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги ва асосланиши. Кўп йиллик илмий-иқтисодий тадқиқотлар ва амалий тажрибалар натижалари шундан далолат берадики, иқтисодий тараққиётнинг энг бирламчи асосларидан бири инвестициялар бўлиб ҳисобланади. Инвестициялар иқтисодиёт ривожланишининг муҳим омили бўлиши билан бирга, иқтисодий муносабатларни ҳаракатлантирувчи кучи ҳамдир. Лекин, дунё микёсида сўнгги йилларда халқаро инвестициялар оқими камайиш тенденциясига эга бўлмоқда. ЮНКТАД* ҳисоботига кўра, сўнгги 2 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 19 фоизга, яъни 1,4 АҚШ долларидан 1,2 АҚШ долларигача камайган. Ривожланган мамлакатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими 40 фоизга камайиб, 749 млрд. АҚШ долларидан 451 млрд. АҚШ долларига тушиб кетди. Европа мамлакатларидаги инвестициялар ҳажми 73 фоизга камайиб, 100 млрд. АҚШ долларни ташкил этмоқда. Шимолий Америкада бу кўрсаткич 13 фоизга 302 млрд. АҚШ доллардан 263 млрд. АҚШ долларига камайган. Қўшма Штатлардаги тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 226 млрд. долларни ташкил этсада, аммо бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 18 фоизга кам эканлигини таъкидлаш мумкин. Хитой Халқ Республикаси жалб этган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми бўйича иккинчи ўринда бўлиб, бу кўрсаткич 3 фоизга ўсди ва 142 млрд. долларни ташкил этган. Шунингдек, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларида 5 фоизга ва Африкада 6 фоизга ўсиши кузатилди¹. 2019 йилда Хитой Халқ Республикасида вужудга келган ва халқаро даражада тарқаётган “коронавирус” пандемияси ҳам дунё иқтисодиётига, шу жумладан халқаро инвестициялар оқимига ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Халқаро экспертлар таҳлилларига кўра, коронавирус пандемияси оқибатида

¹ “Доклад о мировых инвестициях, инвестиции и новая промышленная политика, основные тезисы и обзор 2019 год” ЮНКТАД нинг расмий веб-сайти www.unctad.org

*ЮНКТАД – БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси (UNCTAD – United nations conference on trade and development)